



## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO БОЎЛИҚЛИГИ

**Қодиров Жасурбек Шарофитдинович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
мустақил тадқиқотчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a38](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a38)

**Аннотация.** Ушбу мақолада давлат-хусусий шерикчилиги ва иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда иқтисодий-математик моделлашдаги муаммолар тўғрисида тадқиқот олиб борилган. Тадқиқотда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида амалга оширилган лойиҳалар устида асосий гипотеза сифатида изланиш олиб борилган. Таҳлил жараёнида регрессион-корреляцион усулдан фойдаланилган. Шунингдек, натижаларга асосланиб, таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклиги, корреляция, инвестиция, регрессион таҳлил, хусусий сектор, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, OLS модели.

## ВЗАИМОСВЯЗЬ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА И РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ ЭКОНОМИКИ

**Кадыров Джасурбек Шарофитдинович -**  
Ташкентский государственный экономический университет,  
независимый исследователь

**Аннотация.** В данной статье проведено исследование взаимосвязи государственно-частного партнерства и развития отраслей экономики, а также проблем экономико-математического моделирования. В исследовании в качестве основной гипотезы были исследованы проекты, реализуемые в АО «Железные дороги Узбекистана». В процессе анализа использовался регрессионно-корреляционный метод. Также по результатам даются предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, корреляция, инвестиции, регрессионный анализ, частный сектор, АО «Железные дороги Узбекистана», модель OLS.

## THE RELATIONSHIP BETWEEN PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP AND THE DEVELOPMENT OF ECONOMIC SECTORS

**Kadirov Jasurbek Sharofitdinovich**  
Tashkent State University of Economics,  
independent researcher

**Annotation.** In this article, a study of the relationship between public-private partnership and the development of economic sectors, as well as problems in economic-mathematical modeling was conducted. In the research, the projects implemented in the joint-stock company "Uzbekistan Railways" were researched as the main hypothesis. The regression-correlation method was used in the analysis process. Also, suggestions and recommendations are given based on the results.

**Key words:** public-private partnership, correlation, investment, regression analysis, private sector, "Uzbekistan Railways" JSC, OLS model.

**Кириш.** Ҳозирги жадал ривожланаётган замонда жаҳоннинг кўплаб бозор иқтисодиёти жараёни мавжуд бўлган мамлакатларда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётида янги институционал тузилманинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Содир бўлаётган жараёнларнинг асосий моҳияти икки йўналишда ўз ифодасини топмоқда [1]:

1. Тадбиркорликдан олинган фойданинг миллий даромаддаги улуши ўсиб бориши, кўшимча қийматни тақсимлаш нисбатининг ўзгариши.

2. Иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва иқтисодий ўсишга доир мавжуд тўсиқларнинг камайиши кузатилмоқда.

Юқорида таъкидланган ўзгаришлар фаолиятнинг деярли барча соҳаларини, хусусан, давлат бошқаруви ва тадбиркорлик субъектларини қамраб олади. Яъни улар ўртасидаги муносабатларнинг турли жиҳатларига таъсир кўрсатмоқда ва бу жараён нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам намоён бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур ўзгаришлар ишлаб чиқариш тармоғининг глобаллашуви, капиталнинг соҳаларда байналминаллашуви, ҳудудлар ва давлатлар ўртасида рақобат курашининг кучайиши ҳамда ҳамкорлик муносабатларининг такомиллашиб бориши

натижасида замонавий жамиятнинг янгича иқтисодий муносабатлар шаклланиши содир бўлмоқда. Шу сабабли иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлар ҳукумати давлат-хусусий шериклигини (ДХШ) кенгайтириб бормоқда, хусусан, республикамизда ҳам бу жараён кузатилмоқда. Ҳозирги жаҳон тажрибасида бир қатор ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хусусий сектор ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос шакли вужудга келганлигини кўришингиз мумкин. Давлат-хусусий шерикчилигининг турли хил шакллари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бу эса уларнинг иқтисодиётдаги соҳа ва тамоқларида кенг кўламда қўлланилиши ўзаро ҳамкорликнинг ДХШ шаклини бозор иқтисодиётининг муҳим хусусияти сифатида тан олиш имконини беради.

Агар бизнес ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бошқа шаклларида хусусий тадбиркорлик фақат лойиҳани молиялаштириш жараёнида ёки фақат объектни қуриш ва фойдаланиш жараёнида иштирок этса, ДХШда у лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида иштирок этади. Бинобарин, ДХШ ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу шерикликларни мустақил иқтисодий категория сифатида ажратиб кўрсатиш имконини беради. ДХШнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат [12]:

- лойиҳаларни мослаштириш, хусусан, маҳаллий шароит, вақтинчалик, ҳудудий шароит ва шу кабиларга. Улар муайян объект (йўллар, уй-жой коммунал хўжалиги ва ҳоказо) учун яратилган бўлиб, улар белгиланган муддатда бажарилиши керак;

- ҳамкорлик модели ҳамкор лойиҳалар томонидан ҳал қилиниши керак бўлган асосий мақсад ва вазифаларни кўрсатиши керак;

- лойиҳани молиялаштиришнинг ўзига хос шакллари: давлат молиявий ресурслари билан тўлдирилган хусусий инвестициялар орқали бир нечта иштирокчиларнинг қўшма инвестициялари;

- ҳар бир шартнома ёки концессия учун бир нечта потенциал иштирокчилар ўртасида кураш бўлганда, рақобат муҳитининг мажбурий мавжудлиги;

- шериклар ўртасида масъулиятни тақсимлашнинг ўзига хос шакллари: давлат лойиҳа мақсадларини жамоат манфаатлари нуқтаи назардан белгилайди ва нарх ва сифат параметрларини белгилайди, лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат қилади ва хусусий шерик лойиҳанинг турли босқичларида операцион фаолиятни ўз зиммасига олади;

- истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни ишлаб чиқиш, молиялаштириш, қуриш ва фойдаланиш, бошқариш, амалий амалга ошириш;

- тарафларнинг тегишли келишувлари асосида битим тарафлари ўртасида рискларни тақсимлаш.

Шунингдек, ҳозирги кунда хусусийлаштириш имкони бўлмаган, лекин хусусий сармоёга эҳтиёж сезилган ҳудудларда давлат-хусусий шериклик муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. ДХШни ривожлантиришнинг зарурати, биринчи навбатда, ҳокимият органларининг ижтимоий мажбуриятлари ортиши ва иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини (уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий соҳа, транспорт, аҳоли пунктлари, маданий мерос объектлари ва шу кабиларни) хусусийлаштириш мумкин эмас.

Ҳамкорлик доирасида давлат ва бизнес ўртасида ваколатларни қайта тақсимлаш амалга оширилмоқда, шу билан бирга, ДХШ самарадорлигининг муҳим шартлари бизнеснинг амалга ошириладиган лойиҳадаги иштироки даражаси ва иқтисодий фаолликнинг сезиларли даражада сақланиб қолиши ҳамда давлат томонидан баъзи мулк ҳуқуқидир. Акс ҳолда, ДХШ механизмларини амалга ошириш тадбиркорлик субъектлари томонидан шериклик объектларини қисман ёки тўлиқ хусусийлаштиришга олиб келиши мумкин.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Давлат-хусусий шериклигининг концептуал асослари, пул-кредит сиёсати, хусусий инвестицияларни рағбатлантириш орқали уй хўжаликлари даромадларининг энг тез ўсишига эришиш йўналишлари, рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлатнинг иқтисодий функцияларидан фойдаланишнинг шарт-шароитлари билан боғлиқ муаммоларни бир неча олимлар ўз асарларида ёритиб беришган.

Б.Волков ўз тадқиқотида таъкидлаганидек, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ДХШ лойиҳалари бюджет самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш ҳам давлат, ҳам хусусий бизнес харажатларини оптималлаштиради, рискларни камайтиради ҳамда хусусий бизнес учун лойиҳаларнинг жозибадорлигини оширади [2].

Америкалик олим П.Росенау ўз тадқиқотларида ДХШ – хусусий ва давлат секторларини муваффақиятсизликларнинг олдини олиш, синергетик ижобий таъсир олиш ҳамда ҳар икки томоннинг энг яхши фазилатларини бирлаштириш мумкин бўлган ҳамкорликнинг ҳуқуқий шакли сифатида асослаган [3].

А.Цепелева эса турли мамлакатлардаги ДХШ механизмлари ва шаклларидаги фарқлар турли мамлакатларнинг концептуал аппарати ва қонунчилигидаги фарқлар билан боғлиқ. Мисол учун, Канада ва Америка Қўшма Штатларида давлат ва хусусий шерик ўртасидаги ўзаро таъсир механизми БОТ (Build, Operate, Transfer)

моделига қисқартирилган. Буюк Британияда бу концессия кенг қўлланилади. Имтиёзга қўшимча равишда давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги давлат шартномалари (харидлар ва бошқарув учун) орқали амалга оширилади; ижара, лизинг; хусусий молиявий ташаббус [4]. Осиё мамлакатларида давлат-хусусий шериклик механизми спорт иншоотларини қуришда, шунингдек, йирик спорт тадбирларига тайёргарлик кўришда кенг тарқалган [5].

Бир қатор тадқиқотларда давлат-хусусий шериклик доирасида ҳар доим ҳам амалга оширилмайдиган лойиҳалар кўзланган натижаларга олиб келиши, бу эса ушбу механизмнинг самарадорлигини шубҳа остига қўйиши қайд этилган.

Г.Ҳерави ва З.Хаджихоссейнининг таъкидлашича, ДХШ лойиҳалари самарасизлигига олиб келадиган асосий сабаблар қаторида, қоида тари ҳисоблашдаги хатолар, ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар, иштирокчилар ўртасида рискларни самарасиз тақсимлаш, шунингдек, молиялаштиришнинг мураккаб тузилмаси кўрсатилган [6].

Шу муносабат билан давлат-хусусий шериклик соҳасидаги тадқиқотларнинг алоҳида қатлами уларнинг муваффақияти омилларига (муваффақиятнинг муҳим омиллари) бағишланган. Улар орасида қуйидагилар ажралиб туради: барқарор макроиқтисодий муҳит, масъулиятнинг давлат ва хусусий шахслар ўртасида тақсимланиши, тегишли рақобат тартиб-таомилларини ташкил этишнинг шаффоф ва самарали жараёни, давлат хизматчиларининг малака даражаси ва ДХШни самарали қонунчилик билан тартибга солиш [7, 8].

Шу билан бирга, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, давлат ва тадбиркорлик ўртасида ҳамкорлик шакллари амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилиш манбалари, давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш йўллари, унинг афзалликлари, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати тизимида давлат-хусусий шерикликнинг ўрни, тамойиллари ва омилларига оид қатор ҳал бўлмаган илмий муаммолар мавжуд.

Юқорида келтириб ўтилган мавжуд тадқиқотларда ДХШ асосида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш масалаларини тад-

қиқ этиш бўйича маълум назарий ва методологик натижалар олинган бўлишига қарамасдан, уларда мазкур муаммонинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари комплекс равишда ёритилмаган. Айнан шу ҳолат мазкур илмий мақоламиз орқали илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот методологияси.** Ташкилотлар фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий ва математик моделларини яратиш учун фан ва амалиётда маълум бўлган иқтисодий ва математик усуллардан фойдаланган ҳолда, ташкилотнинг молиявий, иқтисодий ва ижтимоий фаолияти самарадорлигини режалаштирилган ёки исталган молиявий натижалар ёки бошқа натижалар билан алмаштириш орқали иқтисодий моделга киритилган кўрсаткичларни баҳолаш мумкин. Бундан ташқари бундай моделлар кўпинча моделга киритилган кўрсаткичлар қийматларининг кутилган даражасига эришиш учун қарорнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлик даражасини баҳолаш учун қўлланилади.

Кўпинча кўрсаткичлар фақат билвосита энг муҳимларини акс эттиради ва шу билан бирга, ўрганилаётган иқтисодий тизимнинг хусусиятларини бевосита кузатиш ҳамда ўлчаш учун мос эмас. Истеъмол кооперацияси иқтисодий тизимининг фаолиятини математик тавсифлаш учун унинг кўп қиррали фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамлаш йўллари топиш керак, унинг моҳияти кўп сонли бошланғич кўрсаткичларни кичикроқ, аммо кўпроқ сиғимли рақам орқали ифодалашдан иборат. Ахборотни бундай концентрациялаш воситаси иқтисодий ва статистик усуллар, хусусан, омилларни таҳлил қилиш усуллари ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бевосита юқорида таъкидланганидек, унинг ҳажми аҳамият касб этиб ва уни таҳлил қилишда мамлакатнинг иқтисодий тармоқлари билан боғлиқлигини корреляцион-регрессион таҳлилда амалга ошираемиз. Бунда биринчи босқичда корреляция коэффициенти формуласи орқали омиллар орасидаги боғлиқликларни текшириб оламиз.

Корреляция коэффициенти формуласи[9]:

$$r_{x/y} = \frac{\bar{x} \cdot \bar{y} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\sigma_x \cdot \sigma_y} \quad (1)$$

Бунда  $r$ , яъни корреляция коэффициенти -1 ва 1 оралиғида бўлади.  $0 \leq r \leq 1$  эканлиги кузатилса, тўғри боғланиш мавжуд дейишимиз мумкин ва  $-1 \leq r \leq 0$  бўлса, тескари боғланиш мавжуд дея оламиз. Агар  $r=0$  бўлса, омиллар ўртасида боғланиш мавжуд эмас, шу билан бирга,  $r=1$  бўлса, функционал боғланиш мавжуд.


Кўпликдаги корреляция коэффициенти формуласи:

$$R_{y/x_j} = \sqrt{1 - \frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}} \quad (2)$$

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлса, давлат билан қўшма лойиҳаларни амалга оширувчи хусусий компанияларга кенг ваколатлар берилган: мулкчилик, фойдаланиш, қурилиш, молиялаштириш ва шу кабилардир. Давлатнинг асосий эътибори инфратузилма объектларини қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича иқтисодий вазифалардан маъмурий ва назорат функцияларига босқичма-босқич ўтишдир.

Шунингдек, ҳозирги жадал ривожланаётган замонда давлат ва хусусий шерик ўртасида инвестиция ҳажмининг иқтисодий жиҳатдан асосли тақсимланишини аниқлаш вазифаси ҳам

жуда муҳим вазифалардан биридир. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш катта инвестицияларни талаб қилади. Бунга мисол сифатида Россия мамлакати маълумотларида қўришиз мумкин, “Москва-Қозон тезюрар автомобиль йўли” ВСМ-2 лойиҳасининг тахминий қиймати 1,2 трлн. рубль (2014 йил бошидаги нарх даражасига асосан), Керч паромини қуриш қиймати 226 миллиард рублга баҳоланган [10]. Бундай катта харажатларга қарамай, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича йирик лойиҳалар ҳам катта ижтимоий даромадга эга ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ДХШ асосида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича битта лойиҳанинг ўртача қиймати 593,21 млн. долларни ташкил этади.




**1-расм. ДХШ транспорт қурилиши лойиҳаларида давлат ва хусусий шерик улушларининг нисбати [10]**

Тижорий кўрсаткичлар қониқарсиз бўлган тақдирда, хусусий шерик лойиҳага қизиқиш билдирмайди. Агар лойиҳа давлат учун катта аҳамиятга эга бўлса, у ҳолда у инвестиция ҳажмидаги улушини ошириши, хусусий бизнес ҳажмини камайтириши мумкин. Бу лойиҳанинг тижорат самарадорлигини оширади ва хусусий шерик учун унинг жозибдорлигини оширади. Бу жа- раён схематик тарзда 1-расмда кўрсатилган.

Хусусий шерик учун 5-7 йилгача, баъзи ҳолларда 10 йил ичида ўзини оқлаш муддати бўлган лойиҳалар жозибдор ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат учун юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қоплаш муддати 30 йилдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Юқорида тақдирланганидек, давлат ва хусусий шерик маблағларининг нисбати 45 % / 55 % – 20 % / 80 % оралиғида бўлади. Шу билан бирга, лойиҳалар инвестициялар ҳажми, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, амалга ошириш муддатлари ва

шу кабилар бўйича фарқланади. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни ривожлантириш бўйича ДХШ асосида амалга оширилган лойиҳа ва инвестицияларнинг сони 2-расмда келтирилган ва шу асносида таҳлил амалга оширилган.


“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг маълумотларига асосан таҳлил қиладиган бўлса, энг кўп инвестициялар 2016 йилда бўлган. Бироқ лойиҳалар сони эса 2017 йилда энг юқори кўрсаткичга эга бўлган. Бу шундан далолат берадики, инвестициялар қиймати билан лойиҳалар сони орасида боғлиқлик йўқлигини англатади. Натижада “лойиҳаларнинг сони эмас, унинг қиймати ва амалга ошириш муддати аҳамиятли” деган хулосага келишимиз мумкин бўлади. Шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни ривожлантириш бўйича ДХШ асосида амалга оширилган лойиҳа инвестицияларнинг манбаларига эътибор қаратсак, жамиятнинг ўз маблағлари орқали лойиҳалар амалга оширилган.



2-расм. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖда инвестициялар ва лойиҳалар сони [11]

Тизимли истеъмол кооперацияли ташкилотларнинг молиявий-иқтисодий ва ижтимоий фаолияти кўп томонлама ва кўп қирралидир. Бундай ташкилотларнинг бошқарув самарадорлиги даражасини оширишда ташкилотларнинг молиявий, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашни

таъминлайдиган омилларни ҳисобга олиш зарур. Бошқарувнинг замонавий илмий усуллари-дан, хусусан, таҳлил, режалаштириш ва бошқаришнинг иқтисодий ва статистик моделларидан фойдаланиш орқали бу муаммони ҳал қилиш мумкин.



3-расм. 2022-йилда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг молиялаштириш манбаи бўйича (%)

Манба: "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг маълумотномаси асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот жараёнида кўпликадаги корреляция коэффициенти моделнинг реалликка яқинлиги ва аниқлиги эҳтимолини ифодалашда фойдаланилади. "Ўзбекистон темир йўллари"

АЖда давлат-хусусий шерикчилиги асосида амалга оширилган лойиҳа инвестициялари миқдорини ва иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни корреляция коэффи-



циенти орқали баҳолаймиз. Бунда биз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларидан фойдаланиб, 1-формулани Stata14 амалий пакети орқали таҳлилини амалга ошираемиз.

Эконометрик моделлаштиришда ишлатилган Stata14 амалий пакетидан фойдаланиб,

олинган натижага асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда давлат-хусусий шерикчилиги асосида амалга оширилган лойиҳа инвестициялари миқдорига (y) қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (x3) ва савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (x6) орасида кучли боғлиқликни кўришингиз мумкин.

	y	x3	x6
y	1.0000		
x3	0.8111 0.0044	1.0000	
x6	0.7158 0.0199	0.7402 0.0144	1.0000

1-расм. Пирсон корреляция коэффиценти матрицаси

Манба: муаллиф ҳисоб-китоб ишланмаси.

Корреляцион таҳлил натижасида жами 8 та таъсир этувчи омиллар (яъни иқтисодийнинг тармоқлари) орқали амалга оширилди ва улар орасида асосий юқорида таъкидланган

ўзгарувчилар қолди. Асосий омилга (y) таъсир этувчи омиллар (x3 ва x6) билан регрессион таҳлилни амалга ошираемиз.

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	10
Model	3531.00276	2	1765.50138	F(2, 7)	=	7.69
Residual	1606.16652	7	229.452359	Prob > F	=	0.0171
Total	5137.16928	9	570.796586	R-squared	=	0.6873
				Adj R-squared	=	0.5980
				Root MSE	=	15.148

y	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
x3	6.791625	3.431653	1.98	0.088	-1.322944 14.90619
x6	1.399366	1.722991	0.81	0.443	-2.67486 5.473592
_cons	-751.2998	252.0231	-2.98	0.020	-1347.24 -155.3597

2-расм. Регрессион таҳлил натижаси

Манба: муаллиф Stata14 амалий пакетидан фойдаланган ҳолдаги ҳисоб-китоблари.

Таҳлил натижасига асосан LEMR (linear equation multiple regression) модель тузиб олинди ва моделнинг 2-формулага асосан қиймати 0,68 га тенглашди. Бу эса модель реалликка 68 % яқинлигини ифодалайди ҳамда моделнинг аҳамиятлигини ифодаловчи бошқа тестлар ҳам паст қийматни ташкил этмоқда ва бу модель салбий

натижаларга эришганини ифодалайди. Шу сабабли биз регрессион таҳлилда чизиқсиз моделлардан фойдаланамиз. Бунда биз даражали функциядан фойдаланиб, уни чизиқли шаклга келтиришимизда Log-log моделга юзланамиз ва куйидагича шаклда бўлади:

$$\ln y = \ln \alpha + \beta_1 \ln(x_3) + \beta_2 \ln(x_6) \quad (3)$$

Stata14 амалий пакети ёрдамида бир неча чизиқсиз моделлар ҳосил қилдик, улар ичида оптимал ҳолатдагиси бир омилли чизиқли (OLS

модел) регрессион модель ҳисобланди. Бу модель, асосан, куйидаги шаклда ифодаланилди:

$$y = -814,1217 + 8.854769 * x_3 + \varepsilon \quad (4)$$

## MOLIYA VA SOLIQLAR

Source	SS	df	MS	Number of obs =	10
Model	3379.65046	1	3379.65046	F( 1, 8) =	15.38
Residual	1757.51882	8	219.689853	Prob > F =	0.0044
Total	5137.16928	9	570.796586	R-squared =	0.6579
				Adj R-squared =	0.6151
				Root MSE =	14.822

y	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]	
x3	8.854769	2.257597	3.92	0.004	3.648742	14.0608
_cons	-814.1217	234.7014	-3.47	0.008	-1355.344	-272.8993

### 3-расм. OLS модели натижаси

*Манба:* муаллиф Stata14 амалий пакетидан фойдаланган ҳолдаги ҳисоб-китоблари.

Ҳосил бўлган OLS моделини таҳлил қилдиган бўлсак, моделда қатнашаётган ўзгарувчи ва ўзгармас t-студент қийматига асосан ишончли бўлди. Моделнинг аҳамиятлигини ифодаловчи F-фишер=15,38 қиймати ҳам, ўз навбатида, (p-value=0,0044) ижобий қийматга эришди. Модель нуқталари реал қийматларга умумий 66 % яқинлигини ифодалайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Таҳлил натижасига асосан хулоса қилдиган бўлсак, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни ривожлантиришда амалга оширилган лойиҳа инвестицияларининг манбаларига эътибор қаратадиган бўлсак, тўғридан-тўғри киритиладиган инвестициялар 8 %ни ташкил этмоқда ва бу эса жуда паст ҳисобланади. Бунини ошириш учун “Ўзбекистон темир йўллари” АЖдаги бир неча камчиликларни бартараф этиш зарур. Буларга:

- шартномани тузишнинг бир неча босқичли жараёнига кўп вақт сарфланиши;
- юкларни манзилга етказиб бериш тезлигини ошириш зарурлиги;
- йўловчи ташишларни кросс-субсидиялаш ҳисобига импорт ва транзит юк ташувларида молиявий юклама мавжудлиги;
- ички ва экспорт юк ташувларининг норентабел/зарарлилиги;
- юк ва йўловчи вагонлари паркиннинг эскирганлиги;
- хизматлардан фойдаланишда мижозларнинг кўп вақт сарфлаши ва шунга ўхшаш бир неча камчиликлар мавжуд.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида юқорида таъкидланган камчиликларни бартараф этиш орқали қуйидаги натижаларга эришиш имкониятлари мавжуд:

- юк ташиш ҳажмларини ошириш, юк вагонларини тақдим этиш хизматларига бўлган талабни қондириш орқали кўпроқ инвесторларни жалб қилиш;
- хусусий юк вагонлари паркинни умумий ҳажмда 24 фоиздан 40 фоизгача ошириш орқали

мамлакат тадбиркорларини ички инвестиция лойиҳаларини киритишга жалб қилиш;

- юк етказиш муддатини қисқартириш орқали “Ўзбекистон темир йўллари” АЖдаги лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш;
- юк вагонлари паркиннинг ҳажмини янгилаш орқали “Ўзбекистон темир йўллари” АЖдаги инвестицион жозибадорлигини ошириш;

- бошқарув тизимидаги мустақил аъзоларни 30 фоизгача етказиш орқали давлат ва хусусий шерик маблағларининг нисбатини 45 % / 55 % – 20 % / 80 %га етказиш;

- трансформация жараёнларини амалга оширишни жадаллаштириш мумкин ва бу, ўз навбатида, давлат-хусусий шерикчилиги асосида иқтисодиёт тармоқларининг инвестициявий салоҳиятини оширишга олиб келади.

Шунингдек, давлат-хусусий шерикчилиги ва иқтисодиёт тармоқлари билан маълум бир соҳалар билан кучли боғланиш борлигини кўриб ўтдик. Бироқ улар орасида иқтисодий-статистик моделни яратишда бир неча муаммолар мавжуд. Буларга:

- давлат-хусусий шерикчилигидаги акциядорлик жамиятларининг маълумотлари ёпиқлиги;
- статистик кузатувлар учун саволномаларни ишлаб чиқиш усулларида фойдаланиш кўрсаткичлари пастлиги;
- давлат-хусусий шерикчилиги ва иқтисодиёт тармоқлари маълумотларини тарқатишнинг халқаро стандартлари мавжуд эмаслиги;
- ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми, таркиби ва динамикасини белгиловчи услубий ишланмаларнинг камлиги;
- давлат-хусусий шерикчилиги ва иқтисодиёт соҳасидаги корхоналар статистикаси бўйича ишончли ва тўлақонли маълумотлар мавжуд эмаслиги ва ҳоказо.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Утемурадова Г.Х. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг шакллари, моделлари ва механизмлари. / Иқтисод ва молия. / Экономика и финансы. 2021, 10(146).
2. Волков Б.А. Оценка экономической эффективности инвестиций и инноваций на железнодорожном транспорте. Учебное пособие [Текст]. / М.: УМЦ ЖДТ, 2009 г. – 152 с.
3. Rosenau P. Public-Private policy partnerships. / P.Rosenau. // Cambridge, MA: MIT press, 2000. P. 32-43.
4. Цепелева А.Д. Государственно-частное партнёрство в сфере спорта: применение зарубежного опыта. // Учёные записки университета имени П.Ф.Лесгафта. 2013 г. № 4(98). С. 173-177. Url: <http://lesgaft-notes.spb.ru/files/4-98-2013/p173-177.pdf>
5. Петрикова Е.М., Слободянюк Н.В. Государственно-частное партнёрство в спортивной индустрии России. // Проблемы экономики. 2013 г. № 3. С. 111-119.
6. Heravi G., Hajihosseini Z. (2012). Risk allocation in public-private partnership infrastructure projects in developing countries: case study of the Tehran. Chalus toll road. J. Infrastruct. Syst., 18 (3), 210-217. [https://doi.org/10.1061/\(asce\)is.1943-555x.0000090](https://doi.org/10.1061/(asce)is.1943-555x.0000090)
7. Chan A.P.C., Lam P.T.I., Chan D.W.M., Cheung E., Ke Y. (2010). Critical success factors for PPPs in infrastructure developments: Chinese perspective. Journal of Construction Engineering and Management, 136 (5), 484-494. [https://doi.org/10.1061/\(ASCE\)CO.1943-7862.0000152](https://doi.org/10.1061/(ASCE)CO.1943-7862.0000152)
8. Добрин А.Ю. Экономическое обоснование механизмов государственно-частного партнёрства в транспортном строительстве. Диссертация. – Т., 2016. – 157 с.
9. Sabirov H.N., Abduvaliyeva Z. & Kh T. (2022). Econometric modeling of business processes based on time series data. Экономика и социум, (7 (98)), 102-110.
10. Добрин А.Ю. Экономическое обоснование механизмов государственно-частного партнёрства в транспортном строительстве. // Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2016.
11. Добрин А.Ю. Привлечение внешних инвестиций в строительство инфраструктуры железнодорожного транспорта [Текст]. / А.Ю.Добрин, А.В.Марцинковская. // Транспортное строительство. 2012. № 3. С. 26-29.
12. <https://dislib.ru/ekonomika/22833-2-razvitie-gosudarstvenno-chastnogo-partnerstva-sovremennoy-ekonomike.php>



[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a39](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a39)

### MOLIYAVIY RESURSLARNING TAHLILI VA UNING KORXONA ISTIQBOLIDAGI ROLI

**Quvvatov G'olibjon Baxtiyor o'g'li -**  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
doktoranti, PhD

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada korxonaning moliyaviy xo'jalik faoliyatini tahlil qilishning nazariy asoslari va amaliy uslubiyotlari, tahlilning turli usullari, moliyaviy hisobot ko'rsatkichlarining gorizont va vertikal tahlil usullaridan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari keng qamrovda yoritib berilgan. Shuningdek, korxonalarining moliyaviy resurslari va iqtisodiy holatini tahlil qilishda xalqaro tajribalardan milliy iqtisodiyotimizda mos jihatlarni keng qo'llash tajribalari ko'rsatib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Moliyaviy hisobot xalqaro standartlari, moliyaviy tahlil, moliyaviy siyosat, to'lov qobiliyati, likvidlilik, doimiy qobiliyat, doimiy moliyalashtirish qobiliyati, moliyaviy resurs, aktiv, kapital, majburiyat, gorizont va vertikal tahlil.

### АНАЛИЗ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ И ЕГО РОЛИ В ПЕРСПЕКТИВЕ ПРЕДПРИЯТИЯ

**Кувватов Голибжон Бахтиёр угли -**  
Докторант Ташкентского государственного  
экономического университета, PhD

**Аннотация.** В данной статье комплексно освещены теоретические основы и практические методы анализа финансовой деятельности предприятия, различные методы анализа, особенности использования методов горизонтального и вертикального анализа показателей финансовой отчетности. Также при анализе финансовых ресурсов и экономического положения предприятий показан опыт широкого применения соответствующих аспектов мирового опыта в нашей национальной экономике.

**Ключевые слова:** Международные стандарты финансовой отчетности, финансовый анализ, финансовая политика, платежеспособность, ликвидность, постоянная способность, постоянная финансовая способность, финансовые ресурсы, активы, капитал, пассивы, горизонтальный и вертикальный анализ.